

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

“СТАТИСТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ: НАЗАРИЯ,
УСЛУБИЁТ ВА АМАЛИЁТ”

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

Тошкент, 26 ноябрь 2022 й.



МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

“СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТАТИСТИКИ: ТЕОРИЯ,
МЕТОДОЛОГИЯ И ПРАКТИКА”



Ташкент 2022 г.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИ**

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

**“СТАТИСТИКАНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ: НАЗАРИЯ,
УСЛУБИЁТ ВА АМАЛИЁТ”**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ

2022 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ
“СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТАТИСТИКИ: ТЕОРИЯ,
МЕТОДОЛОГИЯ И ПРАКТИКА”**

Ташкент, 26 ноябрь 2022 г.



ТОШКЕНТ – 2022

“Статистиканинг замонавий муаммолари: назария, услубиёт ва амалиёт” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани мақола ва тезислари тўплами. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти 2022. ___ б.

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

С.С.Ғуломов, иқтисод фанлари доктори, академик,
Б.К.Ғойибназаров, иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Ж.Сиддиқов, иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Ў.Т.Ҳайитматов, техника фанлари номзоди, доцент,
М.Н.Суннатов, фалсафа фанлари доктори, PchD
Ш.Р.Джуманиязов, катта ўқитувчи.
Ф.У.Умаров, катта ўқитувчи.

Такризчилар:

Б.К.Ғойибназаров, иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Х.Жумаев, иқтисод фанлари номзоди, доцент,
М.Н.Суннатов, фалсафа фанлари доктори, PchD
Ш.Р.Джуманиязов, катта ўқитувчи,
Ф.У.Умаров, катта ўқитувчи.

Муҳаррир:

Илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4796 -сонли қарорида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган. Унда хусусан, давлат статистикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни иқтисодчи олимлар, соҳа мутахассислари, ёш тадқиқотчи-изланувчилар иштирокида муҳокама қилиш, миллий статистика тизимига халқаро стандартларга мос методологияларни жорий этиш ҳамда методик ишланмалар натижаларини баҳолаш, макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришда математик аппарат ва замонавий статистик усулларни қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Ушбу нашрда келтирилган барча маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар муаллифларга тегишли бўлиб, таҳрир ҳайъати аъзоларининг фикрига мос келмаслиги мумкин. Ундаги рақамлар, статистик маълумотлар, фикр-мулоҳазалар учун муаллифлар масъул ҳисобланади.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти, 2022.

2. Зайцева, К.В. *Управление трудовой занятостью в условиях смешанной экономики: монография* / К.В.Зайцева. – Донецк: МЧП «ВИК», 2003. С. 261.
3. Лукьянова К.К. *Зарубежный опыт регулирования занятости населения*. – Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». 2016, Т. 10, № 3. С. 109–115.
4. Туленков, М.В. *Организационно-управленческие основы регулирования занятости в Германии* / М.В.Туленков // Бюл. ИПК ГСЗУ. – 2004, № 1. С. 50–54.
5. Лукьянова К.К. *Зарубежный опыт регулирования занятости населения*. – Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». 2016, Т. 10, № 3. С. 109–115.
6. *Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни (янги тахрири)*. – Т.: Шарқ, 1998.
7. *Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси*. – Т.: Адолат, 1996. – 256 б.
8. Шадманов Х.Н. *Меҳнат бозорида самарали бандликни таъминлаш: муаммо ва ечимлар*. – “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019 йил. 1-9-б.
9. *World Employment and Social Outlook: Trends 2019. International Labour Office*. – Geneva: ILO, 2019. pp. 11–12, 84-85.

ИСПАНИЯНИНГ ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ

У.З.Алимов ТИҚХММИ МГУ таянч докторанти

Бугунги кунда Европа ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) кичик бир қисми кичик қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади ва бундан аниқ бўладики Европа иқтисодиётиги қишлоқ хўжалигининг таъсири паст даражада деб ҳисобланади⁹⁴. Бироқ қишлоқ хўжалиги (қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ерлари) учун фойдаланилаётган майдон Европа иттифоқи ер майдонининг 40 фоизини эгаллайди. Бундан ташқари қишлоқ аҳолиси турмуши ва уларнинг даромадларида муҳим аҳамиятга эга⁹⁵. Қишлоқ хўжалигининг аҳмамияти жаҳон миқёсида ҳам ўз аксини топади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар дунё бўйича экин майдонларининг бешдан бир қисмини ташкил этади, аммо дунё бўйича озиқ овқатнинг 40-45 фоиз қисмини ишлаб чиқаради⁹⁶. Суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи Испанияда анча юқори ҳисобланади. Испанияда суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи етиштирилади. Лекин суғориладиган ер майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонинг 14 фоизини ташкил этади⁹⁷. Европада Испания қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш хажми бўйича салмоқли ўринга эга. Испания Европа иттифоқида қишлоқ хўжалигига ажратилган ер майдонлари хажми 24 миллион гектар (қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйлов учун) билан Франциядан кейин иккинчи ўринда туради, маҳсулот ишлаб

⁹⁴ EEA environmental statement 2006

⁹⁵ EEA report №16 2017 Food in a green light A systems approach to sustainable food

⁹⁶ Petra Doll and Stefan Siebert “Global modeling of irrigation water requirements” water resources research, vol. 38, no. 4, 1037, 10.1029/2001WR000355, 2002

⁹⁷ Water resources across Europe - confronting water scarcity and drought, EEA Report No 2/2009, European Environment Agency, Copenhagen

чиқариш хажми бўйича Испания (11%) Франция, Германия ва Италиядан кейин тўртинчи ўринда туради.

Испанияда полиз маҳсулотларини етиштириш ҳудудлар кесимида ихтисослаштиришга асосланган бўлиб, қовун етиштириш Кастилия-Ла-Манча,

Мурсия, Каталония (Castilla-La Mancha, Murcia, Catalonia)да, тарвуз етиштириш Андалусия, Валенсия, Мурсия (Andalusia, Valencia, Murcia) да салмоқли ўринга эга.

Масалан, Кастилия-Ла-Манча минтақасида суғориладиган ер майдонлари Испания қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган ер майдонларининг 11 фоизини ташкил этади, аммо минтақа 40 фоиздан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб беради.

Испания 2021 йилда дунёда тарвуз экспорт қилишда етакчилик қилган бўлиб, дунё тарвуз экспорт хажмининг 30 фоиздан ортиғи Испания хиссасига тўғри келган.

Европа иттифоқи томнидан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни умумлаштириш учун 1962 йилдан буён “Умумий қишлоқ жалиги сиёсати” (Common Agricultural Policy (CAP)) тузилган. Умумий қишлоқ хўжалиги сиёсати фермерларни қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ошириш, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, аграсаноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигига алоқадор бошқа тармоқларда иш ўринларини кўпайтириш орқали қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, иқлим ўзгаришлари ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун курашиш, фермерларнинг муносиб турмуш-тарзини таъминлаш мақсадида тузилган ва бу сиёсат барача Европа Иттифоқига аъзо давлатлар учун умумий ҳисобланади.⁹⁸ 2013 йилда қабул қилинган янги “Умумий қишлоқ хўжалиги сиёсати” 2014-2020 йилларда амалга оширишни режалаштирган бўлиб, унда қуйидаги мақсадлари амалга ошириш белгилаб берилган:

- қишлоқ хўжалиги секторининг рақобатбардошлигини кучайтириш;
- барқарор деҳқончилик ва инновацияларни ривожлантириш;
- қишлоқ ;ойларда иш ўринлари яратишни ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш;
- ерлардан унумли фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун молиявий ёрдам кўрсатиш.

Метод ва материаллар. Биз Испания полизчиликнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш стратегиялари тўғрисида хулосага полизчилик тармоғидаги муаммолар ва тўсиқларни таҳлил қилиш билан эришишимиз мумкин. Бунда полиз маҳсулотлари етиштириш хажми ва экспорт қилиш кўрсаткичларини таҳлили келтирилади. Мавжуд муммоларни тизимлаштириш ва уларни ечимлари тўғрисида маълумотларни келтириш билан тармоқнинг умумий ҳолатига баҳо беришимиз мумкин.

Испанияда охириги йилларда полиз маҳсулотлари, жумладан тарвуз ва қовун етиштириш хажмининг ўсиш кўрсаткичлари турлича бўлган.

⁹⁸ https://ec.europa.eu/info/food-farming-fisheries/key-policies/common-agricultural-policy/cap-glance_en

Испанияда тарвуз етиштириш 2014-2017 йилларда ўсиш тенденциясида бўлсада, 2018 йилга келиб 2017 йилга нисбатан 35,8 минг тонна кам тарвуз етиштирилган. Қовун етиштириш хажми 2014-2017 йилларда камайиш тенденциясини сақлаб қолган ва 2018 йилга келибгина ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичига эришилган. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 27,0 минг тонна кўп қовун етиштирилган. 2018 йилда етиштирилган 683,4 минг тонна қовун маҳсулотини етиштиришда Испаниянинг Кастилия-Ла-Манча (Castile-La Mancha) 244 минг тонна, Мурсия (Murcia) 219 минг тонна, Каталония (Catalonia) 133,2 минг тонна билан етакчилик қилган.

Испанияда етиштирилган тарвуз ва қовун дунёда экспорт хажми бўйича салмоқли ўринга эга ҳисобланади. 2014-2018 йилларда Испанияда етиштирилган тарвуз экспорт хажми доимий ўсишни сақлаб қолган, лекин етиштирилган қовуннинг экспорт хажми бир хил ўсиш тенденциясини сақлаб қолмаган. 2016 йилда 444,4 минг тонна қовун экспорт қилинган бўлиб, бу таҳлил қилинган йиллар ичида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Полиз маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишда эришилган ижобий натижаларга қарамай Испанияда ишлаб чиқарувчилар муаммоларга дуч келмоқда. Бу муаммолар ичида энг асосийлари иқлим ўзгаришлари ва қишлоқ жойлардаги турмуш даражасининг нисбатан пастлиги. Бугунги кунда ҳаво хароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик ва сув тошқинлари даврийлигининг кўпайиб бораётгани маҳсулот етиштирувчиларни ташвишга солмоқда.

Испания полиз маҳсулотлари етиштириш учун катта имкониятларга эга мамлакат ҳисобланади. Испания 2019 йилда тарвуз экспорт қилишда 473.9 миллион АҚШ доллари билан дунё тарвуз экспортининг 31 фоиз кўрсаткичига эришган ва дунёда етакчилик қилган. 2018 йилда Испания қовун экспорт қилишда энг юқори тушум кўрсаткичига эришди. 3-расмдаги маълумотларга асосан Испанияда қовун экспорт қилиш 2016-2018 йилларда қисқарган бўлсада (2016 йилда 444,4 минг тонна, 2017 йилда 439,5 минг тонна, 2018 йилда 405,4 минг тонна), Испания қовун экспортдан 305,8 миллион евро тушумга эришган. Бу 2018 йилда ўртача қовун нархининг экспорт қилишда ҳар бир килограми учун 0,754 евро нархлангани билан баҳоланади.⁹⁹

Испанияда ёз ойларида энг сеvimли маҳсулотлардан бири қовун ва тарвуз ҳисобланади. Санкт Грегори энг таниқли қовун нави бўлиб, Ла-Манчада ўстирилади. Бундан ташқари франсуз канталупи, қизғиш тусли кўк-кулранг қовун ва оч сариқ, силлиқ постли honeydew, галиа энг машҳур навлар ҳисобланади. Испаниянинг шарқий қисмида етиштирилган қовунлар энг сифатли маҳсулот сифатида харидоргир ҳисобланади. Октябрь ойида Мадриднинг Виллаконоис шаҳрида қовун музейи ва фестивали ташкил этилади. Йил давомида мавжуд бўлган, иссиқхонада етиштирилган қовунлар юқори рақобатга киришсада Испания қовунлари ўз ўрнига эга бўлиб қолмоқда.

Испанияда полиз маҳсулотлари етиштириш учун қулай географик, табиий ва ташкилий-иқтисодий шароитлар мавжуд. Испаниянинг тарвуз экспортидаги

⁹⁹ Hortinfo inform 2018

етакчилиги, қовун экспортдан тушган юқори тушум тармоқни ривожлантириш ва мавжуд муаммоларга қарши курашишга асос бўла олади.

Испанияда полизчилик тармоғига салбий таъсири бўйича олимлар томонидан иқлим ўзгаришларни асосий муаммо сифатида кўрсатилади, аммо ижтимоий муаммонинг тармоқ ривожига салбий таъсири юқори ҳисобланади. Бугунги кунда янги гибрид уруғлардан фойдаланиш, ўғитлаш ва қайта ишлашдаги юқори технологиялардан фойдаланиш, қовун етиштиришдаги ишчи кучига юқори талаб каби масалалар ижтимоий муаммонинг таъсири ортишига олиб келади. Сўнги йилларда қишлоқ ҳудудларида яшаётган аҳолининг, айниқса ёшлар ва аёлларнинг шаҳарларга кўчиб ўтиши ортди. Қовун етиштиришда маҳсулот ҳажмининг камайиши, полиз маҳсулотларини экспорт қилувчи компаниялар сонининг камайиши ҳам ижтимоий муаммонинг таъсирида содир бўлмоқда дейиш мумкин.

Ўзбекистонда полиз маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишда куйидаги Испания тажрибаларини тавсия этишимиз мумкин:

1. Полизчилик тармоғида селекция ишларини ривожлантириш. Дунё бозорида рақобатбардош бўлган навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Янги навларни маҳсулотнинг узок муддат сақланиши, касалликларга чидамлилиги, органик маҳсулотларни етиштириш ёки касалликлардан ҳимояланишда кимёвий воситалардан фойдаланишни минималлаштириш, айрим ҳудуд ва давлатлар истеъмолчиларининг истакларини инобатга олиб алоҳида там ва шаклга эга бўлган хусусиятли маҳсулотларни яратиш тажрибаси аҳамиятли ҳисобланади. Уруғчиликда маҳаллий компаниялар улушини ошириш, илмий изланишларни ривожлантириш, уруғсиз гибрид навларни яратишда илмий изланишларга молиявий маблағлари йўналтириш.

2. Самарадорликни ҳисоблашда уч жиҳатни инобатга олиш: иқтисодий, экологик ва ижтимоий. Қишлоқ хўжалигида оилавий бизнеснинг аҳамияти кооператиларнинг ривожланиши билан боғланади. Вертикал интеграция ушбу тармоқда даромаднинг сақланиб қолиш имкониятларини ошириши билан аҳамиятли. Оилавий хўжаликлар юритиш Испания деҳқончилигининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Полиз маҳсулотларини етиштиришда интенсив усулларни кенг қўллаш, йилнинг барча вақтларида маҳсулот етиштиришни йўлга қўйилганлиги, тармоқни давлат томонидан субсидия билан таъминланганлиги ҳам ривожланишда аҳамиятли жиҳатлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхти.

1. European Environment Agency, environmental statement 2006.
2. Food in a green light A systems approach to sustainable food, EEA report №16 2017 European Environment Agency, Copenhagen
3. Petra Doll and Stefan Siebert “Global modeling of irrigation water requirements” water resources research, vol. 38, no.
4. Water resources across Europe - confronting water scarcity and drought, EEA Report №2/2009, European Environment Agency, Copenhagen
5. Common Agricultural Policy info, Food Farming Fisheries 2013
6. Eurostat: Agriculture, forestry and fishery statistics 2018
7. T.Azcarate “Food policy in Spain” Reference Module in Food Science, 2019

А.С.Асрақулов	Туристтик корхоналар фаолияти ривожланиш кўрсаткичларини моделлаштириш	373
Н.Қ.Жўраева	Ўзбекистонда уй-жой коммунал хизматлари соҳаси фаолияти таҳлили ва хизматлар бозоридаги тенденциялар ўзгариши	376
Е.Мо'ydinov, М.Ү.Мо'ydinov	Aholi jon boshiga real umumiy daromadlarning korrelyatsion-regression tahlili	381
Ф.Я.Тоғаев	Аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар ҳамда мезонларни баҳолаш	386
У.З.Алимов	Испаниянинг полиз маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни ривожлантириш тажрибаси	392
М.Дж.Зарипова	Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш иқтисодий-статистик таҳлили	396
А.Ш.Дурманов	Иссиқхона хўжаликларида сабзавотчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари	400
Ж.Б.Хасанов	Тадбиркорлик фаолиятини ҳудудлар даражасида информацион қўллаб-қувватланишини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	404
И.А.Маткаримова	Минтақалар ялпи ҳудудий маҳсулотини яратишга тармоқлар таъсирини эконометрик моделлаштириш	410
R.Urunov	Statistical assessment of efficiency of farm activities	413
А.Ҳ.Аюбжонов, З.М.Иминов	Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатлари такомиллашуви жараёнида аҳоли бандлигини таъминлашнинг иқтисодий муносабатлари	417
М.Дж.Зарипова	Олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлаш динамикасини баҳолаш	421
И.А.Маткаримова	Миллий ҳисоблар тизими таркибида минтақалар ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ва аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулоти ривожланиш тенденциясининг эконометрик таҳлили	425
Д.Х.Сапаев	Применение кластерного метода в формировании интеграционных корпоративных структур в виноградно-винодельческой отрасли	430
З.М.Иминов	Меҳнат бозорининг самарали ривожланишини асосий мезонлар ва уларнинг таҳлили	434
Н.И.Исакова	Мақсадли инвестициялардан самарали фойдаланиш орқали корхона фаолиятини такомиллаштириш йўллари	438
Ҳ.Қ.Кувноқов,	Ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи	444